

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“Факультетлараро ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси**

**“ЭСТЕТИКА”
фанидан маъруза матни**

**доц. ваз. баж. Г.Носирхўжаева
тайёрлаган**

Тошкент -2005.

1-Мавзу. Эстетика предмети ва эстетик тафаккур таракқиётининг асосий босқичлари

Р Е Ж А:

1. Эстетика фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Илмий билимлар тизимида эстетиканинг тутган ўрни. Эстетика ва санъатшунослик.
3. Эстетиканинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, роли ва асосий вазифалари.

Эстетика сўзи юнонча «эстезис» сўзидан олинган бўлиб, «сезиш», «ҳис қилиш қобилияти» маъносини билдиради. Бу фан инсоннинг воқеликни эстетик муносабатлари ва инсоният бадий ривожининг умумий қонун-қоидалари ҳақидаги фан. Узоқ вақт бу фан «гўзаллик фалсафаси» деб таърифлаб келинган. Лекин, ҳозирги даврда эстетика фанини бундай таърифлаб бўлмайди, чунки «гўзаллик» эстетиканинг тушунчаларидан бирига айланиб қолди.

Биринчи марта эстетика сўзини илм-фан эстетикаси сифатида олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714-1762) «Поэтика» асарининг баъзи бир масалалари тўғрисида фалсафий мулоҳазалар китобида истеъмолга киритган – 1735 йилда.

Лекин бу билан Баумгартенни эстетика фанининг асосчиси деб бўлмайди, чунки эстетика назариялари қадим замонлардаёқ фалсафа фани доирасида ўрганилган.

Дастлабки эстетик таъимотлар қулдорлик жамияти даврида – Шарқ мамлакатлари (Миср, Қобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон) да вужудга келиб, қадимги Юнонистонда, айниқса, Платон, Арасту, Сукрот асарларида, қадимги Римда Лукреций, Кар, Гораций ва бошқаларнинг тадқиқотларида ривожлантирилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан мустақил фан сифатида шакллана бошлади.

Эстетика сўзи кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг ранг-туси ва шаклидаги мукамаллик, мутаносиблик, латофат маънолари мажмуи сифатида ҳам қўлланилади. Мазкур тушунча кишиларнинг яхши феъл-атвори, муомаласи, нутқи, дид билан кийинишини англатади ёки табиатдаги гўзалликни ҳам билдиради.

Эстетика сўзи баъзан «нафосат» тушунчаси билан баравар ишлатилади.

Санъатда ҳам эстетика бир қанча маъноларда қўлланилади. Воқеликдаги табиатан нозик нарсалар ва ҳодисалар инъикоси – бадий адабиётда назм, тасвирий санъатда – манзара, минитюра ва бошқалар фикримизга ёрқин далилдир. Иккинчидан, санъатда нима инъикос эттирилишидан қатъий назар, ниҳоятда нозик ифода

усуллари қўлланилиши, ифода усулининг бағоят нафислиги – нозик рақс ва бошқалар диққатга сазовордир. Эстетика атамаси ўрнини бевосита ва билвосита нафосат атамаси боса олади. Кўпчилик эстетика атамасига ўргангани учун нафосат атамасини чуқур хис қилолмайди.

Эстетика фан сифатида воқеликнинг гўзаллик асосида инъикос этишини, инсон амалий фаолиятининг ҳамма соҳаларида гўзаллик ва хунуклик туйғуларини, айниқса бадий ижоднинг умумий ўрганади. Биз воқеликдаги гўзаллик ва хунукликни турлича тушунамиз. Эстетик қарашларимиз, тасаввурларимиз, баҳсларимиз нисбий бўлиб, уларни холис баҳслаш эстетиканинг вазифасидир.

Мазку фаннинг асосий тушунчаси-гўзаллик зоҳирий ва ботиний манбага эга, воқеа-ҳодиса, буюм зоҳиран гўзал, ботинан хунук бўлса, бу ерда гўзаллик тушунчаси кемтикдир. Шу боис донишмандлар ташқи ва ички гўзаллик мутаносиблигига алоҳида аҳамият берган, асосан инсоннинг гўзаллигига қараганда.

Гўзалликка интилиш табиат эҳтиёжидир. Бу эҳтиёж тарбия воситасида намоён бўлади. Гўзаллик қуршавида яшаган инсон билан хунуклик муҳитида ўсган одам ўртасида катта фарқ бор. Гўзаллик тарбияси инсонни маънавий жиҳатдан камолотга етаклайди, эстетик хис-туйғуни тараққий эттиради. Эстетик хис-туйғу инсонни қуршаб турган муҳитдаги рухий туйғу пайдо қилувчи гўзаллик ва хунукликни, улуғворликни ва пасткашликни, фожиявийлик ва кулгилилик идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Эстетик эҳтиёж эзгуликка, гўзалликка интилишдир. Бу эҳтиёж меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатлардаги гўзалликни тақазо этади.

Эстетика ўз моҳиятига кўра, дин, фан, ахлоқ, ҳуқуқ тамойилларидан фарқ қилувчи ўзига хос қонунлар асосида ривожланиб, унда ўтмиш маданий мероси, ҳозирги кун тарбияси, келажак башоратлари уйғунлашган ҳолда намоён бўлади, фан воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини воқеликка мувофиқ келадиган тушунчалар ва қоидалар орқали очиб берса, эстетика воқеа-ҳодисаларни ҳаёл, тўқима образлар воситаси ифодалайди. Улардаги тимсоллар ҳам ўз тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, театр ва бошқа санъатларда воқеа-ҳодисалар бевосита тасвирланади. Мусиқа, рақс, меъморчиликда санъаткорнинг воқеа-ҳодисалар ва нарсалардан туғилган ғоявий-ҳиссий ҳолати ифодаланади. Бу жиҳатдан эстетика санъатга яқин туради.

Эстетик фани фалсафий билимлар мажмуида ўзига хос алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, у бир томондан инсоннинг атроф-муҳит, воқеликка гўзаллик ва хунуклик қадриятлари доирасидаги оламни яратиш жараёнидаги фаолиятини намоён этади.

Иккинчидан, санъатга алоҳида аҳамият беради. Чунки айна шу ерда одамни нафосат оламини ўзлаштириши энг юқори даражага кўтарилади.

Эстетиканинг энг муҳим саволи, муаммоси-одамнинг атроф-воқеликка эстетик муносабати.

Эстетика фанининг икки томон мутаносиблиги ниҳоят даражада мураккаб тизимга эга бўлиб, уни соддалаштириб қолипга солишга уринишлар кўп ҳолларда кулгили вазиятларга олиб келади. Унинг бир томонни бўрттириб, иккинчи томонини унга бўйсундириб қўйиш ҳам эстетика фан моҳиятини бузилишига олиб келади. Масалан, атроф-муҳитни гўзаллик мезони билан баҳоланиши бўрттириб юбориш эстетикани фақат гўзаллик фалсафий қолипига зўрлаб сиғдиришга, инсон бадиий фаолияти соҳасини эса фақат санъат фалсафаси даражасига тушириб юборишга сабаб бўлади.

Эстетиканинг фан, кейинчалик эса ўқув дарси сифатида шаклланиш жараёнларида уни бир қатор мустақил билим соҳаларига бўлиб юборишлар, яъни эстетикани «эстетик кадриятлар назарияси», «эстетик идрок этиш назарияси» ва «умумий санъат назарияси» соҳаларига ажратиб ўрганиш ҳамда ўқитиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган эди.

Инсоннинг эстетик фаолияти бадиий фаолияти билан, аксинча унинг бадиий фаолияти эстетик фаолияти билан баб-барабар деган яқида тарихий тараққиёт тажрибасида ўзини оқламади. Аслида бу икки нисбий мустақил мақомга эга бўлган инсон фаолияти соҳалари ўзаро шу қадар чирмашиб кетганки, уларни бир-бирисиз тсаввур қилиб бўлмайди.

Инсоннинг эстетик фаоллиги жараёнида табиат ва жамият кадриятлари муносабатлари тизимидаги эстетик хусусиятлар (гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва пасткашлик, фожиалилик ва кулгилилик) қонуниятлари намоён бўлади. Инсоннинг эстетик фаолияти сифати ва даражаси эса эстетик кадриятлар билан эстетик баҳолаш қобилияти, эстетик идрок этиш билан эстетик амалиёт ўрталаридаги узвий алоқадорлик маданиятнинг барча соҳаларидаги бадиий ва эстетик ўзаро боғлиқ мезонлари билан ўлчанади.

Эстетиканинг иккинчи таркибий қисми бўлган яхлит бирликда мушоҳада этиб ўрганиш, унинг фаолияти бошқа турлари қаторида тизими ва амал қилиш хусусиятларини англаб, бадиий ижод, унинг самараси бўлган санъат асарлари билан уларни одамлар идрок қилишининг узвий боғлиқлигини илғаб олиш, бадиий фаолият аниқ шаклларини яратувчи қонунларини ўрганиш фаолият бадиий тараққиёти қонунларини санъат равнақининг истиқболларини кўра билиш қобилиятининг вужудга келиши жараёнларини тадқиқ этиш эстетика фанининг энг муҳим мавзуси ҳисобланади.

Эстетика фани ҳеч вақт фақат атроф-воқеликни эстетик ва бадиий идрок этиш қонуниятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, у тадқиқ ва таҳлил ишларини истиқбол мақсад-манфаатларига йўналтириб турган. Эстетиканинг истиқболга мўлжалланганлиги шу билан изоҳланадики, у воқеликни нафосат нуқтаи назаридан баҳолашда, бадиий мезон ўлчовларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиб, амалий фаолитга татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Инсоннинг эстетик тафаккури шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб боргани сари унинг ижтимоий-руҳий, мафкуравий-ғоявий, сиёсий-маънавий интилишлари ҳам тобора тиниқлашиб боради. Чунки, эстетик тафаккур инсоннинг мақсад-манфаатларини эстетик-бадиий воситаларда назарий асослаб беради, эстетик маданият ва бадиий амалиёт асосларини ўрганиш, таҳлил қилиш билан бойитади, эстетик назарияларнинг фалсафий асосларини очиқ беради, воқеликни эстетик инъикос этиш жараёнларини кўрсатиб беради.

Шундай қилиб:

Эстетика фани ва ўқув дарси воқеликни эстетик мушоҳада қилиш ва бадиий ижод жараёнларининг узвий мутаносиблигини намоён қилади ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика – бу нафосат олами, санъат ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезиш – идрок қилиш воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетика мавзуи билан бевосита алоқадор бўлган «эстетик муносабатлар», «борлиқни эстетик ўзлаштириш», «эстетик билиш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият» каби язаро яқин, маънодош бир қатор тушунчалар бор. Улар орасидаги «борлиқни эстетик ўзгартириш» тушунчаси қолган «эстетик муносабат», «эстетик билиш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият» тушунчаларини ҳам камраб олади. Шу боис эстетика фани инсоният томонидан борлиқни эстетик ўзгариш моҳияти ва қонуниятларини ўрганади, десак тўғрироқ бўлади. Борлиқни эстетик ўзгариш эса санъатнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу боис эстетика фани санъатнинг асосий услубий-методологик замини бўлиб хизмат қилади.

Эстетиканинг борлиқни эстетик ўзлаштириш моҳияти ва қонуниятлари ҳақидаги фан сифатидаги ўзига хос бир қатор фазилатлари ҳам бор. Эстетика фани инсон теварак-атрофидаги моддий ва маънавий бойликларининг барчасини камраб олишга, инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги нафосат оламини санъат барча турлари воситасида чуқур ўрганишга даъват этади. Санъат эса эстетик бойликларни яратиш манбаидир. Санъатни илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш баробарида эса эстетик фаолиятнинг барча кўринишларига илмий жиҳатдан ёндошиш учун замин яратилади.

Шу боис санъат ва бадиий ижоднинг табиати ва моҳиятини ўрганиш, қонуниятларини ўзлаштириш гўзаллик нафосат (эстетика)нинг барча сифат даражаларини ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди. Бу жабҳаларга санъатнинг умумий назарияси, эстетика фанининг хусусий-услубий асосларига оид тадқиқотлар, моддий бойликлар яратиш эстетикаси, муҳандислик-лойиҳачилик фаолияти, илмийтадқиқот ишлари соҳасида эстетик жиҳатлар, табиат эстетикаси, инсоний муносабатлар эстетикаси, кундалик турмуш ва одоб эстетикаси каби бир қанча соҳаларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир жаҳон эстетика фанида бу жабҳаларнинг ҳар бири эстетика таркибига кирувчи мустақил махсус ўқув курслари даражасига кўтарилган. Эстетика фани эса бу махсус ўқув курсларнинг услубий-методологик асосини ташкил этади.

Эстетика фани фалсафий билимлар тизимида ўзига хос эгаллайди. У, энг аввало, фалсафий бўлиб, унинг назарий ва услубий асосларини фалсафий тафаккур назарияси ва тарихи ташкил қилади. Масалан, воқеликни эстетик ва бадиий ўзлаштириш жараёнларини ўрганишда холислик, тарихий ёндошиш, билиш жараёнида амалий тажрибанинг аҳамияти каби услубий асосни қўллаш ижобий самараларга олиб келиши мумкин.

Билиш назарияси воситасида санъатнинг билиш табиати, воқеликнинг бадиий-рамзий ифодалаш билан илмий тадқиқ этиш ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро фарқлар, воқеликни бадиий воситалар орқали тасвирлашнинг ижодий табиати, санъат асарларидаги шартлилик ва бадиий ҳақиқат каби эстетика фанининг жуда кўп назарий ҳамда услубий асослари муаммоларини ечиш, уларга жавоб излаб топиш мумкин.

Билиш назариясининг бошқа ақидалари – ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги, маънавий ҳаёт хилма-хил шаклларининг ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиши, иқтисодий замин билан ижтимоий онг турли шакллари ўртасидаги билвосита алоқадорлик ва боғлиқлик каби масалалар ҳам эстетик онг, бадиий ижод ва санъат табиати ҳамда хусусиятларини илмий тушунишга ёрдам беради.

Айни маҳалда эстетика фани мустақил билим соҳасини ташкил этган ҳолда у фалсафанинг раванқ топиб боришига ҳам ўзининг хиссасини қўшади. Масалан, билиш назариясини янада ривожланиб, мазмунан бойиб боришида бадиий билиш ҳам муҳим ўрни тутаяди. Билиш назарияси, бадиий маданият қадриятлари, воқеликка эстетик муносабат, эстетик тушунчалар, айниқса, ижтимоий онг, унинг нисбий мустақиллиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам кўп жиҳатдан санъат билан боғлиқдир.

Эстетика фани мазмунан социология-кенг ижтимоий билимлар доираси билан алоқадорлиги. Эстетика социология фани билан уч таркибий қисм орқали боғланади: биринчидан, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг услубий асоси ҳисобланган умумсоциология назарияси эстетиканинг ҳам илмий назарий асоси бўлиб хизмат қилади: иккинчидан, социология воқеа-ҳодисаларнинг хусусий, алоҳида нисбий мустақил соҳалари (сиёсат, давлатлар, миллатлар, санъат турлари ва кўринишлар)ни қамраб олган ҳолда эстетика ва бадиий ижод жараёнларининг айрим жабҳалари билан узвий боғлиқликда намоён бўлади; учинчидан, аниқ социологик тадқиқотлар орқали олинган дастлабки ижтимоий ахборотлар (маълумот - билимлар) эстетик ва бадиий фаолият жараёнларини ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, эстетика социологиянинг барча билим даражалари билан у ёки бу кўринишларида ўзаро алоқадорликда бўлиб, бу алоқадорлик хилма-хил йўналишлардан намоён бўлади. Масалан, эстетик умумсоциологик назарияга таянган ҳолда ўзининг ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий йўналишлари ва мақсадларини шакллантиради. Социология санъат билан жамият ўртасидаги турли-туман воқеаларни тадқиқ этади. Лекин санъат социологияси эстетиканинг социологик муаммолари билан тўла қўшилиб кетмайди. Чунки санъат социологияси билан эстетиканинг социологик муаммолари ўртасида катта фарқ бор. Эстетика нафосат санъат, балки воқеаликни эстетик ўзлаштиришнинг барча шаклларига таалукли бўлган социологик масалалар ечими билан ҳам шуғулланади. Яна бир фарқ шуки, эстетик мўлжал хамиша санъатнинг хусусиятларини ечишга қаратилган бўлади. Санъат социологиясининг асосий вазифаси ва умумсоциологик қонунларнинг санъат соҳасида амал қилишидир. Шунингдек, санъат социологиясининг тушунча воситалари ҳам ўзига хосдир. Масалан, жамиятнинг бадиий ҳаёти тушунчаси соф эстетикадан кўра кўпроқ социологияга таалуклидир. Эстетиканинг социологик муаммолари билан социология фанининг айрим соҳалари ўртасидаги фарқ ва чегаралар шартли бўлиб, санъатнинг ижтимоий хусусиятларини тадқиқ қилишда мазкур фарқлар ва чегаралар йўқолиб кетиши мукин.

Социология билан эстетика фанининг узвий боғлиқлиги бўш вақт тизимида санъатнинг ўрни шахснинг эстетик маданияти билан меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқадорликка таалукли бўлган маълумот ва ахборотларни жамият илмий қайта ишлаб чиқишда яққол кўзга ташланади.

Эстетика фани руҳиятшунослик (психология) билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Буни эстетик тафаккур тараққиётининг барча

босқичларида кузатамиз. Бу яқинликнинг асоси шундаки, воқеликка эстетик муносабатнинг барча томонлари эстетик дид ёки эстетик ҳис-туйғу, бадиий ижод ёки бадиий идрок қилиш жараёнларининг ҳаммаси руҳият мезони билан ўлчанади. Чунки, эстетика у ёки бу даражада инсоннинг руҳий, ҳис-туйғу ҳолатини ифодалайди.

Руҳиятшунослик фани эстетик муносабатнинг барча томонларини, жумладан, бадиий ижод ва идрок жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Айни маҳалда эстетика фани инсон руҳий ҳаётининг энг мураккаб ва нозик томонларини қамраб олади. Эстетиканинг таркибий қисмларини руҳиятшунослик фанининг эришган ютуқлари ва хулосаларидан кенг фойдаланмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда руҳиятшунослик фанининг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, у ҳеч вақт эстетика фанининг ўрнини боса олмайди. Зеро, ўтмишда ва ҳозирда воқеликка эстетик муносабатнинг бутун бир соҳасига руҳиятшунослик ақидаларини бош мезон қилиб олиб, эстетикани мустақил фан сифатида четга суриб қўйишга мойиллик сезилади.

Эстетика фанининг ҳозирги даврга хос хусусиятларидан бири шуки, бу соҳага кибернетика, семистика (белгилар тизимларини қиёсий ўрганиш билан шуғулланувчи билим соҳаси) ва математика каби фанларнинг усул ва воситалари ҳам изчил кириб ўрнашяпти.

Эстетика санъат ва бадиий фаолият турли шакл кўринишларини ўрганадиган били соҳалари учун услубий асос бўлиб хизмат қилар экан, айни маҳалда у адабиётшунослик, муסיқашунослик, таётршунослик, ахлоқшунослик каби фанлар билан ҳамкорлик қилиш жараёндаривожланиб боради. Бу ҳамкорлик энг аввало мазкур фанларнинг ҳам санъат умумий назариясига амал қилиши кўринади. Масалан, санъатнинг хусусий назарияси адабиёт, муסיқа, тасвирий санъат ва бошқа ижод соҳаларининг хусусиятларини тадқиқ этса, санъатнинг умумий назарияси санъатнинг барча турлари, бадиий ижод барча соҳалари амал қиладиган қонуниятларнинг умумий белгиларини ўрганади. Лекин санъатнинг умумий белгиларисоф ҳолда мавжуд бўлмаслиги, улар айрим санъат турлари хусусиятлари орқали ифодаланишини нисбатга олиб айтиш мумкинки, эстетика ўзининг умумий хулосаларни ишлаб чиқишда санъатшуносликнинг айрим-айрим билим соҳалари эришган илмий маълумотларга таянади.

Эстетика санъатшунослик билим соҳалари учун бошланғич назарий ва услубий асос бўлиб хизмат қиладди. Эстетикасиз санъатшунослик бўлолмайди, яъни у айрим воқеа-ҳодисалар шарҳи билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолади. Шуни эътиборга олиш

керакки, эстетика хусусий санъатшуносликнинг умумий қонуниятлари, энг аввало, нафосат табиати ва эстетик тимсол қонуниятларини ўзида намоён қилади.

Эстетиканинг амалиёт учун аҳамияти нимада? У воқеликка қандай таъсир ўтказади? Эстетика ижтимоий бунёдкорлик жаҳҳасида қай тарзда иштирок этади? Бу саволларга жавоб бериш ҳам эстетика фани мавзусидир. Эстетик назария санъат ва бадиий ижод жараёнига, бадиий маданиятнинг барча соҳаларига амалий жиҳатдан кучли таъсир ўтказади.

Илгариги даврларда Оврупадаги эстетика назарияларида белгилаб қўйилган эстетик меъёр билан унинг бурч-вазифаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш одат тусини олган эди. Маслана, классицизм тарафдорлари эстетик бурчни барча ижодкорлар амал қиладиган ақидаларда кўрар эдилар. Позитивизм тарафдорлари эса эстетика фани доирасини бадиий жараёнларни тушунтириш ва шарҳлаш билан белгилар эдилар. Ҳозирги замон эстетика назариячилари бундай бир ёқлама ёндашишни қабул қилмаган ҳолда «Эстетика фанининг асосий бурчи ва вазифаси санъатнинг вужудга келиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларини таҳлил қилишдир», деган хулосани илгари сурадилар. Муаммо шундаки, мазкур қонунлар моҳияти ва табиати очиб берилгандан сўнг ва назарий хулосалар баён этилгандан сўнг олдиндан белгиланган меъёр қолипига айланиб, санъатнинг жозиба ва сеҳр кучини йўқотиб қўйиш ҳафви туғилади.

Эстетика амалиёти адабий-бадиий танқидда яққол намоён бўлади. Бадиий танқид билан эстетик назария ўртасида залий узвий боғлиқлик мавжуддир. Бу соғлиқликни «танқид – бу ҳаракатдаги эстетикадир» деган ибора мазмунида ҳам кўрамиз. Мунаққид санъат асарларини баҳолаш ва шарҳлашда холис эстетик ақидаларга суянадилар ва бу билан эстетиканинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Адабий-бадиий танқид-бу эстетика фани билан санъат амалиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги рамзидир. Эстетик назария санъаткор дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Қадимий фаолият қонунларини билиш, санъат табиатини тушуниш, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, англаш ҳақиқий истеъдод (салоҳият, қобилият) ўрнини қоплай олмайди. Аммо, бу икки қанотнинг яхлит намоён бўлиши истеъдоднинг эстетик назария билан қуролланиши, уларнинг қўшилиб амал қилиши натижасида ижтимоий ҳаёт муҳтож бўлган ва қушиб ётган эстетик мўъжизалар яратилади, албатта.

Эстетика фани санъатдан баҳраманд бўлувчилар – томошабин, китобхон, тингловчи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Улар санъат ҳақида қанча кўп билсалар санъат моҳияти ва бурч-

вазифалари ҳақида қанчалик чуқур ва ҳаққоний тасаввурларга эга бўлсалар, уларда санъат билан доимий мулоқотда бўлишга интилиш кайфияти шунчалик кучли бўлади. Эстетика фани санъат ҳақида фақат билимлар берибгина қолмай, санъатга қизиққанларда бадиий ижодга нисбатан ҳурмат уйғотади, бадиий ижод инсон фаолиятининг энг мураккаб тури, энг кўп ақлий ва жисмоний куч талаб қиладиган соҳа эканлигидан боҳабар қилади.

Эстетик назария санъаткорлар, ижодкорлар билан бир қаторда бу соҳани бошқарадиган ходимлар учун ҳам зарурдир. Санъатга раҳбарлик қилишда содир бўлган ўзбошимчалик, бебошлик, ҳокими мутлақлик кўп жиҳатдан унинг ўзига хос қонунларини билмаслик оқибатидир.

Эстетик назарияга суяниб иш кўриш – бадиий жараёнларга самарали таъсир ўтказиш ва санъатнинг эркин ривожланиши таъминлаш гаровидир. Қотиб қолган ақидалардан халос этилган ва ҳаёт чиғириғидан ўтган эстетик назария санъатга маъмурий-буйруқбозлик усули орқали раҳбарлик қилишга амалда қарама-қаршитура олади.

Эстетик назария жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боради ва уларни маънавий бойитади, ижтимоий- маънавий ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида одамлар эстетик маданиятини шакллантиради. Айни маҳалда у жамият эстетик онгининг таркибий қисмига айланади, жамият умумий тараққиётига муносиб ҳисса кўшади.

Шундай қилиб, эстетика фанининг предмети ва вазифаларини кўриб чиққанимиздан кейин, кейинги хулоса чиқаришимиз мумкин: эстетика фани, фандан ва жамият тутган ўрни куйидаги вазифалари билан қиймат:

1. тасвирий вазифаси;
2. норматив вазифаси;
3. ижодий вазифаси;
4. маълумот (билиш) вазифаси;
5. дидактик (тарбиявий) вазифаси;
6. дунёқараш вазифаси.

Шундай қилиб, эстетика фани ва ўқув дарси воқеликни эстетик мушоҳада қилиш ва бадиий ижод жараёнлари узвий мутаносиблигини намоён қилади ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика- бу нафосат олами, санъати ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезги-идрок воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Адабиётлар :

1. Умаров Э. Эстетика. Т., 1995.
2. Умаров Э., Пал Ч. Эстетика. Т., 1990.
3. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. Т., 1994.
4. Эстетик тарбия асослари. Т.: 1988 й.
5. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. “Ватан туйғуси”. Т.: 1996 й.
6. Мухаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти.

2-Мавзу. Воқеликка эстетик муносабат, эстетик онг ва эстетик фаолият.

Режа:

1. Эстетик муносабат тушунчасининг моҳияти.
2. Эстетик онг тушунчаси. Эстетик онгнинг тузилиши ва даражалари.
3. Эстетик фаолият ва унинг турлари.
4. Санъат ва дизайн.

Воқеликни эстетик жиҳатдан инъикос этиш табиатини англашнинг илмий қоидаси мавжуд: инсон борлиқни нафосат қонунларига риоя қилган ҳолда англайди. Инсон ҳаёвонлардан фарқли ўлароқ ҳар бир нарсага ўзига хос мезон нуқтаи назаридан ёндошади. Агар инсонда мезон туйғуси бўлмаганда, у воқеа-ходисалар, нарсалардаги гўзалликни идрок этиш қобилиятига эга бўлмаганда, унинг фаолияти бунёдкорлик билан бирга вайронагарчиликка ҳам олиб келарди.

Нафосат қонунларига риоя қилиш яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил қилади.

Масалан: асарлари (табиий мойи) ва меъморнинг уй -қуриш.

Инсон амалий фаолияти жараёнида воқеаликка бўлган муносабатининг амалий, назарий, ахлоқий-хулқий, эстетик каби шакллари ва турлари вужудга келади, инсоннинг воқеаликка бўлган муносабати хилма-хил, кўп қиёфали ва кўп хусусиятлидир. Улар:

1. Воқеаларнинг-ходисаларнинг ўзининг кўп сифатлигидан келиб чиқса:
2. фаолият жараёнида туқиладиган инсон эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқади.

Масалан: «арчазор» - «эстетик муносабат» тушунчасидан мазмуни.

Инсони муносабат – бу субъект ва объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат бўлиб, у йўналганлик табиатига эга бўлади. Муносабат фақат инсонга хосдир ва у фақат жамият бағрида амал қилади. Шу маънода воқеаликка эстетик муносабатда бўлиши субъект билан объект ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг махсус туридир.

Борлиққа эстетик муносабатда бўлиши тарихий ҳодиса бўлиб, унинг вужудга келишида одамларнинг моддий-амалий фаолиятлари муҳим аҳамият касб этган. Энг аввал воқеаликка фойдали-амалий, кейин эса эстетик муносабат.

Эстетик муносабат ижтимоий муносабат бўлиб, у фақат инсонга хосдир. Унинг жамият ҳаётида амал қилиши, моҳият-

мазмуни, инсоний муносабатлари тизимидаги ўрни ижтимоий тараққиёт эришган даража билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик муносабат эстетик объект ва эстетик субъект мавжуд бўлишини тақозо этади.

Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса эстетик табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва эстетик баҳо объектига айланиши мумкин. Талаблар:

1. Улар аниқ хис-туйғу, сезги-идрок қобилияти ва имкониятига эга бўлиши:
2. У ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва муносабатларга киришиб, ижтимоий аҳамияти касб этиши керак.

Шундай қилиб:

Эстетик объект – инсоний алоқалар ва муносабатларга киришган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишлари.

Эстетик муносабат субъекти – ўз таркибида жамиятнинг зарур бўлақларини бириктирган, турли соҳаларда моддий-маънавий фаол иш олби борадиган ижтимоий гуруҳлар ҳамда айрим шахслардан иборат жуда катта мураккаб ижтимоий ҳосилладир. Бошқача қилиб айтганда эстетик муносабат субъекти – бу ҳиссий ва ақлий тараққиётнинг маълум даражасига эришган, аниқ ижтимоий муносабатлар тизимида киришган, яъни барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси бўлган инсондир.

Эстетик муносабат – субъект билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар тури билан тавсифланади. Гўзалликни идрок этиш жараёнида содир бўладиган ўзаро ҳаракатлар эстетик муносабатлар заминидир. Эстетик муносабатнинг натижаси эстетик баҳолаш моҳияти, нарса-буюмлар шакли ва мазмуни, бурч-вазифаларини адо этиш ва бошқалар билан ифодаланади. Масалан: столга эстетик муносабат-унинг шакли бўлган материал, уни қайта ишлаш, тараф ва қисмлари мутаносиблигини унинг амалий бурчи, яъни нимага мўлжалланганлигига қиёс қилишдир. Овқатга эстетик муносабат унинг шакл ва мазмуни мутаносиблигида ўз ифодасини топади. Инсонга эстетик муносабатда бўлиши ҳам инсон шахси маънавий мазмунининг инсон ҳатти – ҳаракатлари ва ҳулқ - атвори шаклига мутаносибликда ифодаланади.

Онг – юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон миясининг маҳсули бўлиб, унинг хусусияти воқеликни акс эттиришдан иборатдир. Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Эстетик онг ижтимоий онг шаклларида бири сифатида сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг, ахлоқий онг каби

ижтимоий шодисалар билан бир қаторда туради. Эстетик онг – маънавий – рухий воқеа – ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминада вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид эстетик фикр, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назариялар тизимини англатади.

Ижтимоий ҳаёт тараққиёти эстетик ҳис-туйғулар шакллаишига, эстетик қарашлар ва ғоялар мазмунига кучли таъсир кўрсатади. Бу жараёнда фалсафий қарашлар эстетик онгнинг билиш томонларига таъсир ўтказиб, баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлайди. Бу ўринда эстетик онг соҳасига санъат таъсир кучининг ортиб боришини таъкидлаб ўтамиз. Шундай қилиб, санъат маълум даражада эстетик онгнинг ифода кучига ва намоён бўлиши жараёнига, айти пайтда у жамият ҳаётида эстетик онгнинг энг муҳим омилига ҳам айланади.

Эстетик онг бадий онг билан чамбарчас боғлиқ. Улар бирига яқин тушунчалар бўлсада, бир хил маънони англатмайди. Эстетик онг воқеликни бутун борлиғига идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадий онг бадий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиш кўлами анча кенг бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолиятида, унинг натижаларида, моддий ва маънавий маданиятнинг барча қадриятларида ифода топади.

Якка одам эстетик онги - бу аниқ бир шахс онги, маънавий дунёсининг бир қисми бўлиб, кенг маънода у ҳам ижтимоий мазмун касб этади.

Жамият эстетик онгнинг мазмуни якка одам эстетик онгидан анча кенг ва бой бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча эстетик томонларини қамраб олади. Якка одам эстетик онги эса фақат битта шахс маънавий дунёсининг эстетик соҳасини ўз ичига олади.

Жамият эстетик онги мураккаб тизими, ҳаракатчан, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган бир қатор қисмлардан иборат бўлади. Эстетик онгнинг турғун ва уйғун қисмлари:

1. Эстетик ҳис туйғулар:
2. Эстетик зид:
3. Эстетик орзу:
4. Эстетик қарашлар ва назариялар.

1. Эстетик ҳис-туйғулар – умуман инсон онгининг ажралмас қисми бўлиб, эстетик онгнинг асосий қатлами, пойдевори бўлиб ҳисобланади. Эстетик ҳис-туйғулар нафосат, ҳамоҳанглик, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, эҳтиром, шавқ-завқ, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олади. Нафосат,

олижаноблик, фожеа ва кулги ҳис-туйғулари энг мураккаб ва турғун эстетик ҳис-туйғулардир.

2. **Эстетик дид** – инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари моддий ва маънавий ижодкорлиги орқали намоён бўлади. Эстетик дид заминида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш лаззатланиш қобилияти ётади. Эстетик дид одамларнинг дунёқараши, айниқса эстетик қарашлари орқали ёрқинроқ кўринади. Лекин эстетик қарашлар ҳамма вақт ҳам эстетик дидни ифодаламайди. Билишлар ва қарашлар дидда ифодаланиши учун улар шахс ички дунёсига, идрок қилиш жараёнига сингиб кетиши лозим. И.Кант: «дид – бу якка одамга хос бўлган туғма қобилиятдир».
3. **Эстетик баҳолаш** – дид фикр-мулоҳазалари, диднинг айнан ўзи эмас, балки унинг оғзаки ифодасидир. Дид фикр-мулоҳазаларида ақлий томон кўпроқ ўрин эгаллайди.
4. **Эстетик орзу** – онгнинг бошқа қисмлари каби орзу ҳам воқеликни инъикос этиш шаклидир. Орзунинг ўзига хос хусусияти: Бу тушунча фақат мавжуд нарсаларни инъикос этиш билан чекланиб қолмай, балки яна нималар бўлиши керак ва бўлиши мумкинлигини ҳам ифодалайди. Орзу аслида хошиш-истак бўлиб, у барча одамларга хос туйғудир. Ривожланган эстетик орзу эстетик ҳис-туйғуларга, унинг мазмунига, фикр-мулоҳаза, дид баҳо мезонларига ўз таъсирини ўтказди. Лекин кўпроқ санъат соҳага тааллуқлидир. Санъат эстетик орзудан ташқарида бўлиши мумкин эмас ва унда эстетик орзунинг у ёки бу белгилари бевосита тасвирланаётган ҳолатларда ҳам, муносабатлар бадий ифодаланаётган пайтларда ҳам ўз ўрнини эгаллайди.
5. **Эстетик қарашлар ва назариялар** – эстетик онгнинг яна бир таркибий қисми бўлиб, унинг ғоявий соҳасини ташкил этади ва табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизимини англатади. Эстетик қарашлар тартибга тушган, дафъатан, ўзидан ўзи вужудга келмаган, балки жамиятнинг илғор намояндалари амалга ошираётган онгли фаолиятлари натижасида ишлаб чиқилгандир. Эстетик қарашлар ва назариялар у ёки бу эстетик ҳодисаларга тааллуқли ғоялар ва тушунчалар, таълимотлар кўринишида намоён бўлади. Эстетик назария – бу эстетик объектни бутунлайича қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, коидалар, ақидалар, билишлар тизимидир. Эстетик назария мантиққа тамойил-тизимларга, далил-исботларга, фалсафий услубиётга асосланади.

Эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади, шаклланади, бошқача қилиб айтганда, эстетик фаолият эстетик онгнинг амалга оширилиши ва моддийлаштирилишидир. Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Умуман, инсон фаолиятининг хусусияти ана шу талаб ва эҳтиёжлар табиати билан белгиланади. Рухшунос олимлар эстетик эҳтиёжларни инсон талаб-эҳтиёжларининг энг олийси сифатида таърифлайдилар. Чунки эстетик эҳтиёжларда барча моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамлангандир. Дунёдаги мавжудотларнинг энг олийси инсон экан, гўзалликларни чуқур англаш ҳам инсонга хосдир. Инсон ҳамиша гўзалликка интилади. Эстетик эҳтиёжлар моҳияти ана шулар билан изоҳланади.

Эстетик эҳтиёжларда бошқа барча маънавий эҳтиёжларга караганда кўпроқ ва кучлироқ яратиш эҳтиёжи ёрқин намоён бўлади. Ривожланган эстетик эҳтиёж ҳеч ваф тайёр эстетик кадриятларни фақат истеъмол қисми билан чекланиб қолмай, янгиларини яратиш, ижод қилишга рағбат вужудга келтиради. Эстетик фаолият инсон моддий ёки маънавий фаолитяининг ўзаги бўлиб, унинг барча шакллари инсон фаолияти бошқа шаклларининг «инсонийлик» мезонига айланади.

Эстетик фаолият турлари:

1. Турмушда.
2. Спортда.
3. Моддий ишлаб чиқаришда.
4. Бадий фаолиятда.
5. Илмий ижодда.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги эстетик фаолият меҳнат шароитларини, меҳнат натижаларини ҳам ўз ичига олади. Меҳнатнинг эстетик жиҳатлари ривожланишига маълум ижтимоий шарт-шароитлар зарур. Ижодий, инсоннинг жисмоний ва маънавий имкониятлари доирасидаги меҳнатнинг эстетик аҳамияти эътиборга лойиқ бўлади. Меҳнат эстетикаси даражасини ошириш учун меҳнат ижодийлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш, янги технологияларни жорий этиш лозим. Ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг умумий ва эстетик маданияти ва меҳнат шароитлари ҳам катта аҳамиятга эга. Меҳнат шароитлари: меҳнат жараёнидаги ижтимоий муносабатлар, меҳнат анжомлари, воқеа-ҳодисалар муҳити.

Ишлаб чиқариш муҳитининг эстетик жиҳатларини ривожлантириш дизайн воситасида ҳам амалга оширилади.

Эстетик фаолият нисбатан бадий фаолиятда – санъатда энг «тоза» ҳолда кўринади. Шу боис санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Санъат ўз табиатига кўра ижодий

мақсадга қаратилган «нафосат қонунларига риоя қилинган» фаолият туридир.

Дизайн муҳандислик, илмий ва бадиий фаолиятни ўз ичига олади, дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади. Дизайнчининг зиммасига эстетик қийматга эга бўлган маҳсулотлар яратиш юкланган. Дизайн санъатдан баҳра олади. Улар ўртасида умумийлик бўлсада, лекин улар эстетик фаолиятнинг икки ҳар хил туридир.

Фарқлари:

1). - Санъат бадиий фаолият у ёки бу кўринишда фақат гоёларгина эмас, балки нарсалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Лекин бу ерда нарсалар ишлаб чиқариш кўшимча вазифани бажаради. Санъат, аввало маънавий ишлаб чиқариш тури, онг ва билиш соҳасидир.

- Дизайн эса моддий-амалий фаолият турига киради. Дизайн маҳсулотлари воқеликнинг инъикоси эмас, балки унинг нафосат қонунларига биноан яратилган, санъат амалиётининг айнан ўзини англатади.

2) - Санъатнинг эстетик қадрияти маълум даражада «фойда» қадриятларига зиддир, яъни санъат асари моддийликдан кўра кўпроқ маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади;

- Дизайн маҳсулотлари – машиналар, бинолар, кенг истеъмол молларида моддий фойда хусусияти бўртиб туради. Маҳсулотнинг эстетик сифати бари бир унинг лойиҳавий бурчи қай даражада ифодаланганлиги билан белгиланади. Дизайн маҳсулотининг эстетик қиймати унинг мақсадга мувофиқ эканлиги билан белгиланади.

3) - Санъат асари қайси моддий тизимга мансублигидан, қайси муҳитда вужудга келганлигидан қатъий назар, мустақил қийматга эга.

- Дизайн маҳсулоти эса нарсалар тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ундан ташқарида амал қила олмайди. Унинг эстетик қиймати ўз вазифаси – бурчини қандай бажариши билан мувофиқлаштирилган бўлади.

Илмий ижод билан шуғулланувчилар, олимларнинг салоҳияти, ижодий меҳнати натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданияти даражасига бевосита боғлиқ. Олимнинг эстетик маданияти деганда унинг эстетик ҳис-туйғуси, илмий фарази (фантазияси), илмий фаҳм-фаросати (интуицияси), рамзий тасаввурларни ҳосил қилиш қобилияти, тафаккурнинг ўзига хос

тасвирий умумлаштиришларга мойиллиги тушунилади. Эстетик омиллар илмий ижодга таркибан хос бўлиб, унга ёрдамчи омил вазифасини ўтайди. Илмий фараз (фантазия) эстетик ҳис-туйғу билан чирмашиб кетган.

Фаҳм-фаросат (интуиция) бадиий фаолиятда ўта мураккаб ва ривожланган шаклда намоён бўлса, фанда у воқеа-ходисаларни ақлий мушоҳада қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Фаҳм-фаросат (интуиция) ўзидан-ўзи вужудга келмайди. У барча билим ва ҳиссий қобилиятни, тажрибани ишга солишни тақозо этади. Фаҳм-фаросат (интуиция) аслида эҳтироссиз, илҳомсиз вужудга келиши мумкин эмас.

Фараз, фаҳм-фаросат, эҳтирос-илҳом эстетик характерга эга бўлиб, улар энг тоза ва ривожланган кўринишда санъатда тааллуқлидир. Айни вақтда улар ижодий фаолиятнинг зарур қисмлари сифатида фанда ўз ифодасини топади. Улар фанга алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки биргаликда, аниқ тизим воситасида таъсир кўрсатади.

Энг яхши санъат асарлари илм-фан кишисида хаёл фараз вужудга келтиради ва яхлитлик, нафосат ҳис-туйғусини уйғунлаштиради, ғайритабиий тафаккур қилиш қобилиятини оширади, эркин дунёқараш бахш этади, юксак мулоқот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун жуда муҳим аҳамият касб этадиган барча қобилият имкониятларини сафарбар қилишга ундайди.

Адабиётлар:

1. Умаров Э., Пал И., «Эстетика» Т., 1990
2. Умаров Э. «Эстетика» Т., 1995.
3. Эстетик тарбия асослари. Т.: 1988 й.
4. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. “Ватан туйғуси”. Т.: 1996 й.
5. Мухаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти.

3-Мавзу: Эстетиканинг асосий категориялари.

РЕЖА:

1. Гўзаллик-эстетиканинг асосий категорияси:
 - а) Эстетика тарихида гўзаллик муаммоси;
 - б) Табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида гўзаллик;
 - в) Санъатда гўзаллик.
2. Улуғворлик категорияси. Улуғворлик ва фожиалилик.
3. Фожиалилик ва кулгилилик категориялари. Санъатда кулгилилик турлари.

Эстетика фалсафий фанлардан бири сифатида ўз категорияларини ишлаб чиққан бўлиб, улардан асосийлари-гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилиликдир.

1. Гўзаллик-эстетиканинг асосий категорияси.

Эстетика фанининг барча муаммолари аслида гўзаллик муаммоси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил қилади. Ҳар қандай эстетик муаммонинг ечимини топганимиз сари гўзаллик янада ёрқин намоён бўлиб боради. Эстетик муносабатларни эстетик объект ва эстетик субъект табиатини инъикос этиш билан бирга гўзалликнинг у ёки бу томонлари ҳам мушоҳада этилади. Гўзаллик-бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг асосий қисмларига ҳам тааллуқлидир.

Эстетик ҳис-туйғу, энг аввало гўзалликни ҳис этиш жараёнини англатади. Эстетик орзу эса гўзалликни инсон хоҳлаган у ёки бу тасаввурлар тарзида ифодалайди. Эстетик дид бўлса кўп жиҳатдан шахс ва жамият нимани гўзаллик сифатида, нимани хунуклик сифатида идрок этишида намоён бўлади. Эстетик қарашлар гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги фикрларни англатади.

а) Эстетика тарихида гўзаллик муаммоси.

Мутафаккирларнинг айтишларига қараганда, гўзаллик ҳақида фикр юритиш ва уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли жараёндир. Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани кўрсатиш осон. Лекин ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақида жуда кўп фикр-мулоҳазаларнинг мавжудлиги унинг мураккаблиги кўп қирралигидадир. Илмий тушунчалар тизимида ҳам гўзаллик муаммосини тушунтириш анча қийин. Шунинг учун гўзаллик муаммосига фалсафий ёндошиш зарур.

Қадимги юнон файласуфи Платон бу муаммони илк бор “Нима гўзал?” ва “Гўзаллик нима?” деган саволларга ажратиш билан тарихга гўзаллик ҳақидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси бўлиб кирган эди. Гўзалликни у жонли, ҳиссиётли, ўзгарувчан нарсалар олаmidан ажралиб қолган абадий руҳ-ғоя сифатида таърифлайди. Гўзаллик туйғудан юқорироқ табиатга эга бўлгани учун уни фақат ақл воситасида англаш мумкин. Гўзаллик ҳақидаги бу “Платон йўналиши” Ф.Аквинский, Гегель ижодида давом эттирилди. Гегель-мутлақ руҳ-ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир. Санъат гўзалликнинг асл маконидир. Гўзаллик бу аниқ турдош ҳодисалар камолотнинг намунаси. Яъни гўзаллик мукамаллик ва камолот билан боғлиқдир. Шундай нарса гўзалки, агар ундаги туғма белгилар тўла тарзда намоён бўлса, шундай инсон гўзалки, агар унда яхши инсоний фазилатлар ва сифатлар мужассамлашган тарзда кўринса. Инглиз файласуфи Д.Юм: гўзаллик нарсалар сифатини билдирмайди, балки нарсаларни мушоҳада қилаётган инсон руҳи даражасида амал қилади; яъни ҳар бир инсон руҳи ўзи белгиланган, таниган, англаган гўзалликни кўради. Бу таълимотларда гўзалликнинг маънавий мазмундорлиги масалалари акс этади.

Иккинчи йўналиш: қадимги Юнон мутафаккири Аристотельдан бошланади. Аристотель гўзалликни реал воқелик инъикоси сифатида талқин этади. Аристотель гўзалликни моддий оламнинг мослик, аниқлик, ҳамоҳанглик, мезон-ўлчовлик каби миқдорий ва маконли тавсифлари билан боғлаб мушоҳада қилади.

Аристотель фикрига кўра, гўзаллик заминида инсон ва нарсаларнинг бир-бирига мувофиқлиги, лойиқлиги, мослиги ақидаси ётади. Ўзининг мазкур ғоясини асослаш учун у “ўта кичик нарса гўзал бўла олмас эди, чунки оз вақт ичидаги тасаввур қоришиб кетади, ўта улкан нарса гўзал бўла олмас эди, чунки уни идрок этиш бирданига содир бўлмай, унинг бирлиги ва яхлитлиги йўқолиб кетади”,-деб уқтиради. Гўзаллик муайян мезон-ўлчов кўринишидагина намоён бўлади. Унинг фикрича, гўзаллик сифатига нафақат табиат ҳодисалари, балки адолат, мардлик, саҳоват, донишмандлик каби яхши инсоний ҳислат-фазилатлар ҳам киради.

Уйғониш ва маърифатпарварлик даври эстетик қарашларида гўзалликнинг табиий қонунларини ишлаб чиқиш уларни санъат соҳасига ҳам тадбиқ этишга уринишлар бўлган. Масалан: Дидро, гўзалликнинг ички мазмундорлиги, санъат асарларига нисбатан ифода кучи ҳақида фикр юритиб, гўзаллик билан гўзалликни баҳолаш ўртасида субъектив омил муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.

Гўзаллик-бу табиат, жамият, санъат ҳодисаси бўлиб, бирор нарсага ҳис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний

ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратилади. Ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисадир. Гўзаллик ҳамиша фойдали, лекин у алоҳида турдаги фойдали-у аввало, инсонга, жамиятга, тараққиётга маънавий фойда келтиради.

б) Табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида гўзаллик

Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан фойдали-амалий фаолиятдаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин барчаси қандайдир умумий белгига эгадир. Манна шу умумий белги туфайли ҳодисаларни гўзаллик тушунчаси билан ифодалаймиз. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш хайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ҳамоҳанг ривожланишига, унда энг яхши инсоний ҳислат-фазилятлар таркиб топишига кўмаклашади.

Инсон ҳамма ерда ва ҳар қандай даражада мавжуд табиий ҳамоҳанглик билан тўқнашар экан, у албатта табиат гўзаллигидан завқ-шавқ олади, маънавий бойлик орттиради. Ҳамма вақт ҳам табиатга эстетик ўзлаштириш, уни “инсонийлаштириш”, табиат ҳодисаларига инсон талаб-эҳтиёжларини, мақсад-орзуларини ўтказиб тадбиқ этиш билан боғланиб кетган.

Инсонда табиатга қандай муносабатда бўлиш туйғуси секин-аста, инсон зоти ва табиатда ривожланиш боргани сари шаклланиб борган. Масалан: ибтидоий санъат манзаралари тасвирларни билмаган, табиат ҳодисаларининг гўзал ёки хунук эканлигини баҳоламаган. Улар ўз диққат-эҳтиборларини ҳаётнинг асосий манбаи бўлган нарсалар, воқеа-ҳодисаларга қаратганлар (ҳайвонларга).

Кейинчалик овчилик ўрнига (ёки у билан ёнма-ён) деҳқончилик кириб келиши инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти атрофидаги табиатни ўзлаштира бошлаши билан, табиатнинг ўзи ижтимоий орзу мезонлари билан баҳоланади, инсон учун табиатнинг хунук ва гўзал томонлари аён бўла бошлайди. Гўзалликни юксак даражадаги фойдалилик тарзида инъикос этиши гўзаллик кўринишларидан фақат биттасини ўз ичига олади. Ҳозирги даврда инсоният улкан вайрон қилиш қудратига эга бўлган ишлаб чиқиш кучларига ҳам эга бўлиб қолди. Табиатга “ўзлаштириш” нуқтаи назаридан муносабатдан бўлиш ёвузликдан бошқа нарса эмасдир. Инсон табиат ҳақида қайғуриб, ундан оқилона фойдаланиб, айни вақтда табиий ҳамоҳанглик сирлари ичига янада чуқур кириб бормоқда.

в) Санъатда гўзаллик.

Санъатда гўзаллик ифодасининг таҳлили табиатдаги, ижтимоий ҳаётдаги, турмушдаги гўзалликни тушуниш учун ўзига хос калит ва вазифасини ўтайди. Санъат гўзалликнинг мужассамлашган ифодаси бўлиб, худи шу маънода уни “нафосат қонунларига кўра ижод қилиш соҳаси” деб аташ ўринли бўлади. Инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида гўзаллик қонунларига риоя қилганда гўзаллик “ёрдамчи вазифа”ни бажаради. Санъат соҳасида эса унга риоя қилмаслик санъатнинг ўзини ??? моҳиятсиз қилиб қўяди.

Санъатдаги гўзаллик-ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, гўзаллик ярашувчи ижодкорларнинг бошқа одамлардан фарқи шундаки, у бошқалар фахмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиши, фахмлаши, сезиш, ҳис қилиш қобилиятига эгадир. Санъат воқеликнинг барча эстетик қирраларини ва сифатларини қамраб олади, ҳатто мудҳиш ва хунук ҳодисаларни тасвирлаётганида ҳам гўзалликни тарк этмайди.

Ўрта асрнинг жуда таъсирли оқимларидан бири Европа классицизми ижодкорлари “Юксак санъат аслида такомил ва гўзаллик бўлган, ижобий эстетик қийматга эга бўлган ҳодисаларни акс эттириши керак” деб қараган эдилар. Унинг вакиллари, шубҳасиз, жуда кўп бадиий қадриятлар яратганлар. Жаҳон санъати хазинасига улкан ҳисса қўшганлар (Корнель, Расин, Баженов ва б.). Лекин санъат тараққиётини фақат чиройли ва юксак мавзу томон йўналтириш унинг кўламини чеклаб қўйди. Натижада, воқеликдаги мавжуд бўлган гўзалликнинг кичик бир бўлаги қироллар ва саркардалар сиймолари орқали ҳаёт гўзаллиги бир томонлама тасвирланди. Оддий одамлар ҳаётининг бадиий ифодаси эса юксак санъатга лойиқ топилмади.

Санъатда гўзал қиёфани акс эттириш бошқа, қиёфани нафис тасвирлаш бошқа нарса. Чернышевский воқелик гўзаллиги санъатдаги гўзалликдан юқори туришини уқтиради. У ҳаётдаги гўзаллик бирламчи, санъатдаги гўзаллик иккиламчи дейди. Чунки ҳаётда гўзаллик бўлмаса, санъатда ҳам у ифода топа олмайди. Лекин у жиддий хатога йўл қўяди. Чунки, ҳақиқий санъат дунё гўзаллигини фақат сурат аксинигина эмас, балки ундаги гўзаллик моҳиятини ҳам намоён этади.

Санъат ҳаётнинг бойлиги ва хилма-хиллигини гўзаллик ва хунуклик, яхши ва ёмон ҳислатларни акс эттиради ҳамда унда эстетик орзу муҳим аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук нарсаларни акс эттириши мумкин. Лекин санъатнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир! Чунки у ўз таркибига эстетик орзу, яъни гўзалликнинг зарурий хоссасини сингдиргандир.

Кўп асрлар давомида санъат эстетик орзуни рўёбга чиқаришнинг 2 асосий йўналишини ишлаб чиққан:

- 1) Ижобий қахрамон рамзини яратиш, ижобий қахрамон-ижодкорнинг гўзаллик ҳақидаги эстетик орзусидир.
- 2) Салбий қахрамон-гўзалликнинг акси бўлган хунуклик, ярамаслик рамзи бўлиб, у ҳам эстетик аҳамиятга эга.

Санъатда илғор эстетик орзунинг бўлиши санъат гўзаллиги билан боғлиқ зурурий, лекин ягона бўлмаган омилдир. Санъат гўзаллиги унинг ҳаққонийлигидан ажралмаган ҳолда қарор топади. Бадий ҳақиқатсиз санъатда гўзаллик бўлиши мумкин эмас.

Ҳақиқат ва гўзаллик бирлиги санъат тараққиётининг қонуниятларидан биридир. Шекспир: “Гўзаллик қимматли ҳақиқат билан якунланиб, юз чандон гўзаллик кашф этади”.

Санъатдаги гўзаллик шакл ва мазмун бирлигида яхлит мушоҳада этилади. Инсон фаолиятида камолотга, гўзалликка интилиш кўп жиҳатлардан энг мувофиқ шаклни излаб топишда кўринади. Бу шакл эса фаолият бурчига, вазифасига, мазмунига мос келишини тақозо этади. Шаклнинг мазмунга мос келиши санъатдаги гўзаллик мезонидир. Гап ижтимоий аҳамиятли, ғоявий илғор, ҳаёт ҳақиқатига эга бўлган мазмун ҳақида борсагина шаклнинг мазмунга мос келишига санъат гўзаллигининг мезонларидан бири сифатида қараш мумкин бўлади.

Санъатдаги гўзаллик, унинг бадий қиммати ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, гуманистик ғояларни ифодалаш, шакл ва мазмун уйғунлигини яратиш билан белгиланади.

Воқеа-ҳодисаларнинг объектив эстетик аҳамиятини ифодаловчи кадрият сифатида гўзаллик субъектив эстетик баҳолаш орқали, кишиларнинг диди ва идеаллари воситасида қабул қилинади. Эстетик тарбиянинг муҳим вазифаси-кишиларда ҳақиқий гўзалликни тушуна олиш ва қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришдир.

2. Улуғворлик категорияси. Улуғворлик ва фожиалилик.

Улуғворлик категорияси эстетиканинг Яна бир муҳим категориясидир. Қадимги эстетикада “улуғворлик” ибораси тантаналиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб турадиган нутқнинг алоҳида услубини тавсифлаш учун ишлатиларди. Улуғворлик муаммосига эстетик-назарий ёндошиш III аср нотиғи Лонгин ёзган “Улуғворлик тўғрисида”ги рисоладан бошланади. У улуғворликни нутқ гўзаллиги билан боғланиб кетган одатдан ташқари фикрлар ва эҳтирослар сифатида тушуниб, у инсонга ис-туйғули таъсир этувчи, уни қувонч ва ҳайратга солувчи куч деб уқтиради.

XVII аср инглиз олими Э.Бёрк фикрича улуғворлик туйғусининг манбаи-дахшат ёки шунга ўхшаш туйғулар кўзғатадиган барча

нарсалар, воқеа-ҳодисалардир. Э.Бёрк улуғворликни инсонга ҳис-туйғули таъсир ўтказиш шакллари ичида энг кучлиси бўлган кониқмаслик туйғуси билан боғлайди: “Гўзаллик қониқиш асосидаги эстетик завқланиш бахш этса, улуғворлик даҳшат ва кониқмаслик туйғусини вужудга келтиради”.

Бошқа инглиз олими Т.Хоум фикрича улуғворлик гўзалликдан фақат ўзининг кўлами билан фарқ қилади ва ижобий ҳис-туйғулар ўйғотади.

И.Кант фикрича гўзаллик ҳам, улуғворлик ҳам қўпол, соф фойда маъносидаги манфаатдан холи бўлиб, ҳамма учун умумий аҳамиятли, мақсадга мувофиқлик ва зарурлик тасаввурларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Улар ўртасидаги фарқлар: агар гўзаллик сифатидан олинган қониқиш орқали вужудга келса, улуғворликнинг заминида микдор тасаввурietàди; гўзаллик ҳамма вақт жозибали, улуғворлик эса гоҳ ўзига тортади, гоҳ ўзидан қочиради ва нисбий ҳис-туйғулар кўзғатади.

Чернышевский: улуғворлик табиий ҳодисаларга ҳам хос эстетик тушунчадир. Масалан: оддий шамолдан бир неча юз марта кучли бўрон улуғвордир, пасткаш ҳисоб-китоб ва интилишлардан юз кара кучли бўлган севги улуғвордир.

Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Табиатда улуғворлик тимсоллари: океанлар, осмон, денгизлар, шаршаралар, тоғлар. Уларнинг умумийлиги-улканлигида, кенг кўламлигида. Улуғворлик қувонч, ҳайратланиш, тан бериш, шунингдек баъзида кўркув ҳиссини ўйғотади.

Ижтимоий ҳаётда улуғворлик қаҳрамонлик ва мардлик билан қўшилиб кетади, уларни алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш қийин. Улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифатлар мавжуддир. Фидойилар, қаҳрамонларнинг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворликни, ҳам мардликни намоён қилади.

Улуғворлик ва пасткашлик қийматлари ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги-яқин кунларгача улуғворлик тимсоли сифатида инъикос этиларди (Экология бузилиши, Оролнинг қуриши, кишилар соғлигининг ёмонлашиши).

Табиат устидан ҳукмронлик қилиш эмас, балки у билан ҳамоҳанг бўлиш ижтимоий фаол, ташаббускор, ижодкор шахсни шакллантириш улуғворлик орзусининг асосий мазмуни.

Улуғворлик санъатда ҳар томонлама ифодаланади, чунки у санъатнинг асосий мавзуларидан биридир. Қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, қаҳрамонлик мусиқа асарлари, меъморчиликда улуғворлик турлича тасвирланади.

Меъморчиликда улуғворлик алоҳида аҳамият касб этади. Меъморчиликда улуғворлик фақат миқёс ўлчови билан ўлчанмайди. Масалан: айрим обидалар ўзларининг кенг кўлами билан улуғворлик касб этсалар, бошқалари ўта нафислиги, нозик ифодаси, ҳамоҳанглиги, атроф-муҳит билан узвий кўшилиб кетганлиги билан ката аҳамият касб этади.

- 1) Бобил минораси, Минораи Калон, Миср пирамидалари, Тож Маҳал.
- 2) Амир Темур даҳмаси, Шоҳизинда, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси.

Санъатда улуғворлик баъзида фожиалилик билан ёнма-ён бўлади. Масалан: Шекспир асарлари, Шашмақом, баъзи меъморий обидалар бир вақтнинг ўзида ҳама улуғворлик, ҳам фожиалилик руҳи билан суғорилган бўлади. Лекин ҳар доим ҳам эмас. Масалан: Регистон-улуғвор, лекин фожиали ҳис уйғотмайди, Макбет хоним-фожиали, лекин улуғвор эмас.

3. Фожиалилик ва кулгилилик категориялари. Санъатда кулгилилик турлари.

Фожиалилик ва кулгилилик эстетик категориялари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади. Фожиалилик ва кулгилилик ижтимоий хусусиятга эга тушунчалардир. Улар ёлғиз инсонга хосдир, фақат ижтимоий муносабатлар жараёнидагина намоён бўлади.

Фожиалилик ва кулгилилик ўзаро боғлиқлиги ҳаётнинг мураккаблиги, зиддиятлилиги, ҳаракатчанлигидан келиб чиқиб, уларни санъат ёрдамида яхшироқ англаймиз. Санъат асарларида фожиалилик ва кулгилилик яхлит намоён бўлади. Кўп ҳолларда фожиалилик ва кулгилиликнинг узвий чирмашиб кетиши илдизлари ижодкор истеъдодига бориб тақалади.

Масалан: Шекспир асарларида фожиали ва кулгили томонлар шу қадар чирмашиб кетганки, уларнинг бирини иккинчисисиз англаш қийин.

Фожиалилик муаммоси ҳар доим фалсафий ва эстетик тафаккур эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари ҳаёт ва ўлим, озодлик ва зурурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий хусусиятлар намоён бўлади.

Шекспир асарлари, Софокл асарлари, Достоевский, Шолохов, М.Шайхзода: “Жалолiddин Мангуберди”, “Мирзо улуғбек”.

Фожиа санъати инсониятнинг доимий ҳамроҳи. Инсон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун бир умр интилади, курашади. Инсоният таракқиётининг барча босқичларида ижтимоий

адолатсизликлар, муносабатлардаги хилма-хил, санъатда фожиали оҳанглар туғилишига сабаб бўлади.

Кулгилилик категориясида ҳам инсоннинг воқеа-ҳодисаларга муносабатларидан бири ифодаланади. Кулгили ҳолатларга фақат инсонгина кулги билан жавоб беради. Кулгилилик хунуклик билан боғлаб мушоҳада қилинади, хунукликнинг ўзи кулгили эмас, балки унинг гўзаллик даъво қилиши ва ўзини гўзаллик ўрнинга қўйиши кулгилидир.

Кулгилилик бошқа эстетик ҳодисалар сингари ташқи ва ички томонларни ўзида бирлаштиради.

Кулгилиликнинг ички томони-кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир. Ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиш натижасида хилма-хил кулгили, беўхшовликларни кўриб, англаб, уларга кулги билан жавоб бериш қобилиятининг ифодасидир.

Кулги инсоннинг руҳини кўтаради, кулгилиликнинг ҳар хил кўринишлари санъатнинг архитектурадан бошқа деярли барча турларида намоён бўлади ва комедияда ўзининг тўла эстетик ифодасини топади. Кулгилилик тушунчаси комик тушунчадан кенгрокдир. Комик воқеа ижтимоий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

Санъатда кулгилилик турлари:

- Латифа-кулгили ёки энг сода комик воқеа.
- Пародия-ҳажвий ўхшатма шарт.
- Комедияда комик матн бўлади. Гоголь: “Комедия учун қийшиқ бурун эмас, қийшиқ жон керак”.
- Сатира (масқара)-ҳаётнинг салбий ҳодисалари устидан аччиқ кулиш.
- Юмор (ҳазил-ҳажв), сарказм, лоф, аския, карикатура ва ҳ.к.

АДАБИЁТЛАР:

1. Умаров Э. Эстетика. Т.:1995 й.
2. Умаров Э., Пал Ч. Эстетика. Т.: 1990 й.
3. Эстетик тарбия асослари. Т.: 1988 й.
4. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. “Ватан туйғуси”. Т.: 1996 й.
5. Мухаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти.

4- Мавзу. Санъат ва унинг турлари. Бадий ижод ва эстетик тарбия.

Режа:

1. Санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари.
2. Санъат ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида.
3. Бадий образ воқеаликнинг санъатдаги ўзига хос инъикоси.
4. Санъат турлари.

Санъат- кент маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назми санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни», «хар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади.

Санъат тушунчасининг талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос исътедоди намоён бўлади. Ва ниҳоят, санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Санъат кенг маънода санъат асарлари (бадий қадриятлар) билан бирга уларни яратиш (бадий ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган ғояларга уйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуктаи назаридан юксак эстетик қийматга эга. Бу тасвирларда ҳар бир нарса турининг мезонига мос ижод қилиш, яъни нафосат қонунларига риоя қилиш, вазн туйғуси, тенглик акси, уларни яратиш жараёнидан олинадиган қувонч каби эстетик фаолиятнинг муҳим белгилари мавжуд. Бу ёдгорликлар инъикос этиладиган бадий фаолият куртаклари эндигина кўриниб келаётган инсон эстетик фаолиятнинг натижалари эди.

Инсон бадий ғояларнинг модий ифода топиши учун зарур бўлган қурол ва воситалар яратиб, ўз кундалик ҳаёти мазмунини бойитишга интилади. Дарҳақиқат, узоқ ўтмишдаги аждодларимиз яратган тош қуролларсиз бирор бир энг содда нақш ёки ғояларга туширилган тасвирлар вужудга келиши мумкин бўлармиди? Демак,

санъат меҳнат билан уйғун тарзда ривожланиб борган. Шу боис бадий фаолият шакллари инсон меҳнати заминида вужудга келиб, бевосита меҳнат жараёнлари билан чирмашиб кетган.

Бадий фаолиятнинг энг қадимги шакллари ҳали бир-биридан ажралмаган, яхлит ибтидоий жамоа маданиятининг бир қисмини ташкил этган бўлиб, афсонавий (мифологик) бўёқларда ифодаланган.

Афсоналарда диний мазмун кенг ўрин олган. Миср афсоналари асосан диний ибодат мазмунига эга. Юнон афсоналаридаги диний мазмун-юнон санъатининг ҳазинасигагина бўлиб қолмай, балки унинг заминини ҳам ташкил этади.

Санъат куртаклари мураббий-тарбиячи вазифаларини шам бажарган. Тасвирлар нақшлар, рақслар, эртақ-афсоналарда авлоддан-авлодга ўтиб турган амалий, ахлоқий эстетик тажриба мужассамлашган эди. Бадий фаолиятнинг илк шакллари уюштирувчилик, бирлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажарган. Ҳаётда яшаш учун кураш мақсадида жипслашган ва ягона туйғу жўш уриши билан бирлашган бутун жамоа ҳатти ҳаракатлари, уринишлари воситасида қўлга киритилиши мумкин бўлган ғалаба – овда ҳайвон устидан ғолиблик (овнинг самарали бўлиши) санъатда тасвирланиб, у қадимги одамлар жипслашишининг энг муҳим омилларидан бири бўлган эди.

Бадий фаолиятнинг илк шаклларидаёқ санъатнинг жуда кўп белги ва хоссалари кўриниб туради. Лекин уларда якка шахс омили етишмайди. Қадимги одамлар фақат уруғ ва қабила учун умумий бўлган ҳис-туйғу ҳамда тасаввурлар билан яшаган, ўзини воқеаликдан ажратолмаган эди. Санъат эса бошидан охиригача шахсдан бошланади, шахс билан шаклланади, шахс билан кадр топади.

Қадимги одамлар бадий фаолияти жараёнида табиатнинг рамзий-тимсолий акс эттиришда инсоннинг муаллифлик «қўли» услуби пайдо бўлади. Бадий рамз тимсол муаллиф-ижодкорнинг бетакрор истеъдодини намоён қилди.

Санъат ижтимоий ҳаётининг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг махсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қилади.

Санъат биринчи навбатда ижтимоий онг шаклидир. Унинг барча тавсифлари ана шу сифатидан келиб чиқади ва шу таҳлилга асосланади.

Санъат ижтимоий турмуш жараёнлари билан боғлиқ. Буни қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда, яъни ўзларига маъқул, кўнгилларига хуш келадиган нарсалар яратишга бўлган иштиёқларида яққол кўзга ташланади. Ижтимоий турмуш санъатнинг ривожланишига бевосита таъсир ўтказа борди, кейинчалик эса ижтимоий тузилмалар, фалсафий-диний, сиёсий қарашлар, ахлоқий қоидалар, маънавий қадриятлар орқали ҳам таъсир ўтказа борди.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, ўзига хос қонуниятлари вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказа боради, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришларини рағбатлантиради.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи халқалар мавжуд. Ҳар қандай бадиий ҳодиса – муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний, ахлоқий амалларнинг таъсири кучи даражаси билан белгиланадилар, баҳоланадилар, ўлчанадилар.

Санъатнинг тараққиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури кўринишининг ёрқин ифода топиши аниқ ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гуруҳий кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган мақомига албатта боғлиқдир.

Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Ворисийлик фақат санъатга хос бўлган ҳодиса эмас. У ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларига таалуқлидир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳуқуқий онг соҳаларида кўпроқ намоён бўлади. Ворисийлик маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларда мавжуд. Аммо ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи иқтисодий заминдан анча йироқ бўлган санъатда ворисийлик, ёрқин, тўла ҳар томонлама тарзда намоён бўлади. Санъатнинг ҳамма қирралари – мавзу йўналиши, ғоявий-руҳий қоида ва оҳанглари ижодий ақидалари, услуби, тур ва шаклларининг ифодали воситалари ворисийликда айниқса бўртиб кўринади.

Ворисийлик ҳеч қачон ижодкорнинг шахсий «инжиликликларига» бўйсунмайди. Ҳар бир ижодкор санъатда бирор бир янги нарса яратар экан, у ўзидан аввалги бадиий, ғоявий-руҳий, услубий тур ва шакллар ифода воситаларига таяниб ижод қилади.

Ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида бўлганидек, санъатда ҳам билиш ва мафкура бир-бири билан чирмашиб, ўзаро боғланиб

кетган. Турли тарихий босқичларда ва санъатнинг турли кўринишларида билиш ва мафкура ўзаро мутаносибликда амал қилади.

Ижтимоий онгнинг ҳар бир муайян шакли воқеликнинг бир томонини акс эттиради. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида воқеликни бадиий билиш – тасвири шаклда англаш манбаларидан бири бўлиб инсон майдонга чиқади.

Санъатда инсон шамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Масалан, санъатнинг манзара тасвири ёки натюрморт турида инсон қиёфаси ифодаланмайди. Бу ҳол инсон мазкур санъат асарларида акс этмайди дегани эмас. Манзара тасвири инсон ҳис-туйғуларининг энг нозик ва энг жозибали қирраларини намоён этади.

Санъат нафақат инсоннинг ўзини, балки унинг идрок этиши мумкин бўлган барча нарсаларни, воқеа – ҳодисаларни акс эттириб, хиссий туйғу келтириб чиқаради.

Санъат маънавий ҳаётда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга муносабат билдиради, давр маънавий муҳитининг ҳамма томонларини ифодалайди, ижтимоий тафаккур руҳини акс эттиради.

Санъат воқеликни бадиий образ (қиёфа) ёрдамида акс эттиради. Санъат ва бадиий образ тушунчалари бир-бирини тўлдиради, бойитади, изоҳлайди. Санъат бадиий образ воситасида тўла намоён бўлади. Бадиий образ санъатнинг муҳим «катакчаси»ки, унингсиз санъат амал қилмайди, бадиий образ санъатнинг бош хусусиятини белгилайди. Шу боис бадиий образ санъат табиатини очиб беришда асосий босқичдир. Санъат сири кўп жиҳатлардан бадиий образ сири билан чамбарчас боғлиқдир.

Бадиий образ сирини англашга қадимги даврлардан бошлаб уринадилар.

Образ тушунчаси билиш назариясининг таркибий қисмидир. «Образ» - деб инсон онгида нарса ва ҳодисаларнинг акс этиши тушунилади. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасавури, тушунчаси ва шу қабилар орқали ташқи дунёни **образ** шаклида англайди.

Бадиий образ манбаи «жонли ҳаётдир». Бадиий қиёфа воқеликни қайта англаш бўлиб, эстетик тушунчалар сирасига киради.

Бадиий образ хусусиятларини инсон билиш жараёни умумий қонуниятларидан ажратиб мушоҳада этиш мумкин эмас. Бадиий қиёфа билишнинг бир туридир. Билиш қонуниятлари санъатда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, бадиий қиёфа эса жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур белгиларига эга бўлсада, уни ҳам, буни ҳам англамайди. Бадиий образ ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари,

муносабатлар мажмуи бадий образда умумлаштирилади, унда ташқи (*объектив*) ва ички (*субъектив*) томонлар мавжуддир.

Санъаткор ҳис туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадий образнинг ташқи (*объектив*) томонидир. Бадий қиёфа ташқи дунёни инсон эҳтиёжларига мутаносибликда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди.

Бадий образ ички (*субъектив*) томон санъаткорнинг ҳис-туйғулари, мўлжаллари, баҳолашлари, кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидларидир. Ташқи дунё таассуротларидан санъаткор-ижодкор онгида ҳосил бўлган буларнинг барчаси санъаткорнинг ички дунёсини ташкил этиб, у яратган бадий образларда ўз ифодасини топади.

Санъатда яқка шахс туйғуси санъаткор – иждоқор фаолиятига ҳос тарзда у яратаётган бадий қиёфалар мазмунига сингиб кетади. Санъаткор кечинмалари билан тўйинтирилган бадий образга ҳеч нарса тенг келмайди. Шу боис санъаткорлар бош қаҳрамонларини «мен – ўзим» деб таърифлайдилар.

Бадий иждоқ ҳамма вақт яқкаш кечинмалар, ҳис-туйғулар билан суғорилган бўлади. Санъатда «шахсийлик» бадий образ яратилишининг зарур шартидир. Масалан, санъатнинг янги тури бўлган бадий сураткашликни олиб кўрайлик, қандай ҳолатда сурат (фото) бадий даражага кўтарилади? Бунда техник акс билан санъат асарини қандай ажрата олиш мумкин? Суратни яратаётган одамнинг акс эттираётган объектга бўлган шахсий муносабати махсус масофа, услуби, мавзу назарияси, нур-соя мутаносиблиги орқали ифода этилсагина ўша сурат санъат асари бўла олади.

Эстетика назариясида бадий образ яратишнинг ички (*субъектив*) томони «санъаткор иждоқий яқкашонлиги ёки яқкашлиги» (индивидуаллиги) деган тушунча билан изоҳланади. Иждоқда яқкашонлик (яқкашлик) мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у воқеа-ҳодисаларни танлашда, уни баҳолашда, аниқ бўлак ва қисмларини ажратишда тур ва услуб майлида, биринчи навбатда, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурларида намоён бўлади. Иждоқ усули, ранго-ранглик хусусияти, мавзу танлаши каби қолган барча томонлари санъаткор дунёқарашини ифодалашга бўйсундирилган бўлади.

Бадий образ ички ва ташқи томонлари боғлиқлиги сахна санъатида ўзига ҳос кўринишларда намоён бўлади. Иждоқор яқкашлиги бу ерда алоҳида образлар талқинида, асарнинг услуб тизимида ва хатто санъат тури ечимларида ўзига ҳос ифодаланади. Масалан, ўзбек сахна санъатининг атоқли иждоқорлари бўлган Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев,

Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Баҳодир Йўлдошев каби ижодкорлар сахналаштирган «Алишер Навоий», «Жалолиддин Мангуберди», «Отелло», «Гамлет», «Қирол Лир», «Мирзо Улуғбек», «Тошболта ошиқ» асарларида муаллифлар услуби ва жанрини сақлаш билан бирга барча сахналаштирувчи муаллифлар ҳар бирининг иродаси, услуб ва тур майли, санъаткор шахси хусусиятлари акс эттирилган.

Саҳна асарларида бадиий образ актёр ижроси орқали намоён бўлади, актёр яратган образ драматургни илҳомлантирган ҳаётий ҳодиса ифодаси бўлиш билан бирга, актёр ижодий меваси ҳам бўлиб ҳисобланади.

Санъатда ҳис-туйғу муҳим восита сифатида изоҳланади. Санъат инсониятнинг эзгулик томон ҳаракати учун зарур бўлган ўзаро мулоқотлари воситаси бўлиб, уларни муайян ҳис-туйғулар билан боғлайди. Лекин санъат одамларнинг ҳис-туйғуларини, тафаккурларини мавҳум тарзда эмас, балки жонли бадиий қиёфаларда акс эттиради. Аслида инсон ҳис-туйғуларсиз ҳаёт моҳиятига, хусусан, санъат туб мазмунига шу вақтга қадар етиб бўлмаган ва бундан кейин ҳам етиб бўлмайди.

Санъатда ҳис-туйғулар фандагига нисбатан ўзгача сифатга эга бўлади. Фан-техникада, илмий изланишларни йўналтириб туришда ҳис-туйғулар катта аҳамият касб этса-да, тадқиқот натижаларида бевосита кўзга ташланмайди. Санъат эса ўзига хос ҳис-туйғулар, кечинмалар хазинасидир.

Санъатда ҳис-туйғулар бадиий қиёфа яратилишининг шарт-шароитларини, унинг моддий заминини ташкил қилади. Бадиий ҳис-туйғулар оддий, кундалик турмуш ҳис-туйғуларидан ҳам, илмий ҳис-туйғулардан ҳам фарқланади. Бадиий ҳис-туйғулар умумлаштириш ҳосиласи бўлиб, уларда бир киши ёки бир гуруҳ одам тажрибаси эмас, балки одам авлодлари орттирган ижтимоий-тарихий тажриба жамланган. Рухшунос олимлар фикрига кўра, турмушдаги оддий ҳис-туйғулар санъат орқали ижтимоийлашади ва оқил ҳис-туйғулар сифатида қарор топади.

Санъатда воқелик – жузъий ва умумий томонлар бирлигида акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида бадиий образларни ҳаёт ҳодисалари боғлаб туради, мазкур жараён санъатни фалсафа билан яқинлаштиради.

Бирор ижтимоий фикрни бадиий образ орқали лўнда ифода этиш қобилияти бадиий истеъдоднинг таркибий қисмидир. Лўнда ифода этиш бадиий дид, санъаткор шахси, асар турининг услубий йўналиши билан боғлиқ.

Санъатда ҳаёт нусхаларини тасвирлаш, яъни уларни туркумлаш якка ҳолдаги бадиий образ яратиш жараёни билан бирга кечади.

Санъатда бадиий қиёфа мазмун ва шакл тушунчалари орқали ёрқинроқ ангашилади. Санъат мазмуни ва шакли масаласи эстетик назарияда муҳим ўрин тутди. Санъатда мазмун ва шакл асарни бадиий идрок этиш хусусиятлари, маҳорат масалалари каби бадиий маданият назарияси ҳамда амалиётнинг ўзак масалалари билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Санъатда мазмун ва шакл бир-бирини изоҳлайди. Шакл муайян бир мазмунни ифодаласа, мазмун ҳам муайян шаклда намоён бўлади. Ҳар бир нарсанинг ўзгариши, аввало, мазмун ўзгаришидан бошланади. Мазмунга бўйсунадиган шакл бирлигида мазмун етакчилик қилади. Мазмунга бўйсунадиган шакл ҳам нисбий мустақилликка эгадир.

Санъат мавзуи муайян асар мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. Санъат мазмуни ёки бадиий мазмун мавзудан фарқли равишда бутун воқеликни эмас, балки акс эттирилган воқелик бўлгани англатади.

Эстетика назариясида бадиий асар мазмуни бир қанча тушунчалар орқали ифодаланиб, улар орасида мавзу ва ғоя тушунчалари алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзу – кўп маъноли тушунчадир. Воқеа – ҳодисалар мажмуи, иқтисодий, ахлоқий, фалсафий, рухий, муаммолар мавзуи атамаси билан изоҳланади. Мавзу тушунчаси, аввало воқеа-ҳодисалар доирасини белгилаш мақсадида қўлланилади. Баъзан мавзу тушунчаси турли муаллифлар ижодига хос бўлган мазмуний умумийликни кўрсатиб туради.

Мавзу тушунчаси кўп ҳолларда санъат асарида акс эттирилган ҳаётий ҳодисалар доирасини белгилаш учун ишлатилади. Муайян асар мавзуи воқеа-ҳодисалар доирасидан танлаб олиб, уларни мушоҳада этиб, баҳолаб бўлинганидан кейин вужудга келади. Шубҳасиз, мавзу табиатидан асар қиймати ҳам келиб чиқади.

Санъатнинг кўпгина турларида мавзу сюжет орқали намоён бўлади. Сюжет асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет баён қилинишидир. Мавзу ва сюжет бир-бирини тақозо этади. Сюжет ҳам мазмунга, ҳам шаклга алоқадор ҳолда намоён бўлади.

Ғоя – тушунчаси асарнинг ижтимоий мазмунини англатади. Бадиий ғоя мавзу билан бир бутун ҳолда намоён бўлади. Ғоя ва мазмун бирлиги муайян асар тизимида якқол кўринади.

Буюк санъаткорлар ўз асарлари ғоясини санъат воситалари орқали ифодалаш истейдодига ҳам эга бўладилар. Бадиий асарнинг ғоявий мазмуни санъаткорнинг воқеликка муносабати асосида унинг

орзулари нуктаи назаридан яратган ҳаёт ҳақиқатидир. Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар қанчалик сермазмун, бой, ёрқин, кўп қиррали бўлса, унинг ғоявий мазмуни шунчалик ишонарли ва жозибали бўлади. Бадиий асар ғояси ҳамма вақт яхлит хулоса бўлиб, унинг ўқувчи, томошабин, эшитувчи тайёр ҳолда эмас, балки, асарни идрок этиш жараёнида ўз фаҳм-фаросати билан ўзлаштиради. Санъатнинг барча турлари бадиий шаклга эга бўлиб, у кўпроқ асар тузилиши (*композиция*) билан боғлиқ. Асар тузилиши (композиция) – бу асарнинг ички тузилиши, таркиби, яъни мазмуннинг яхлит ифодаси, унинг қисмлари (*сюжети*) мутаносиблигини англатади.

Санъат асари бирор шаклда ифодалансагина ўзининг асл қийматига эга бўлади, натижада шакл мазмунни уюштирадиган усул бўлиб хизмат қилади.

Санъатда шакл билан мазмун шу қадар мустаҳкам бирликни ташкил этадики, уларни фақат назарий таҳлил жараёнидагина алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш мумкин. Мазмун билан шаклнинг кўшилиб кетганлиги унинг ички бўлагида яққол намоён бўлади. У бадиий режа таркибидаёқ мазмун билан бирга вужудга келиб, мазмунни ташқи шакл билан боғлаб туради, унинг иштирокисиз санъат асари воқелик омили ва эстетик идрок мавзуи бўла олмайди.

Бадиий тузилиш маҳорати бадиий маҳоратнинг таркибий бўлагидир. У биринчи навбатда санъаткор яратган ҳаёт манзарасига яна нимани кўшиши ҳақида эмас, балки ундан яна ниамни чиқариб ташлаши лозимлигини англатади.

Санъат тили муҳим жиҳатлари билан оғзаки баён тилидан фарқ қилади. Ҳатто бадиий тилни *сунъий тил* деб ҳам юритадилар, чунки у бадиий мазмунни ифодалаши орқали одамлар ақли ва сезгисига таъсир ўтказиш учун «сунъий» шаклланган бўлади.

Санъатда идрок этиш мазмуни адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарининг томошабин ёки ўқувчи онгида акс этишидир.

Санъатни идрок этиш инсонга ҳамма вақт ўзини яхши билиб олиш имкониятини туғдиради. Санъат асаридан эстетик қониқиш ўқувчини санъатнинг янги-янги қирраларини кашф этишга жалб этади.

Санъатнинг айрим турларга бўлиниб кетганлиги узоқ давом этган тарихий тараққиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳаларига – турларга бўлинмаган эди. Кейинчалик санъатнинг бир неча турлари қарор топди.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: *адабиёт, меъморчилик, муסיқа, тасвирий санъат* ва ш.к.лар ўзига хос муҳим кўринишда намоён бўлади. Санъат турларида хусусийнинг умумийга нисбатини кўрамиз. Эстетик тафаккурнинг тур ҳосил қилиш манбалари икки

йўналишда вужудга келган. Манбанинг биринчи йўналиши – воқеликнинг мураккаблиги, кўп қиёфалиги, ҳар томонламалигидир. Масалан, санъат у ёки бу турининг вужудга келиши унинг воқеликни қайси томонини акс эттиришга қаратилганлигидир. Назм ва тасвирий санъат турлари бир-бирига қиёсланганда, уларнинг мавзулари бошқа-бошқа бўлиб, мавзу хусусиятлари эса, тасвир воситаларидан келиб чиққанлигини кўрамиз. Иккинчи йўналиш – инсон ҳис-туйғуси бойлиги, идрок этиш хусусиятлари, инсон маънавий қобиляти билан боғлиқ.

Санъат турлари ўз тасвирий-ифодавий воситалари тизимига эга. Адабиётда сўз, тасвирий санъатда – ранг, ёруғлик, чизик, нурсоя, мусиқасида – оҳанг, мақом, вазн, ҳайкалтарошликда – ҳажм, ўлчам, меъморчиликда – мутаносиблик тизими амал қилади.

Санъат турлари бир-бирини ўрнини боса олмайди. Уларнинг ҳар бири, мустақил, ўзича нодир, бетакрор бўлиб, воқеликни бир томонини бевосита акс эттиради, ўша тур ёки бу инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашда бошқа турларга нисбатан устивор ўрин эгаллайди ва муайян чекланганлик хусусиятига эга бўлади.

Санъат турлари тенг асосда ҳаракат қилиб, воқеликни акс эттиришда бир тур бошқа турларга нисбатан устувор даражада намоён бўлади. Масалан санъатнинг билиш вазифаси бадиий адабиётда ва у билан боғлиқ бошқа турларда алоҳида бўртириб кўринади, мусиқа инсон ҳис-туйғу маданияти, тасвирий санъат синчков кузатиш маданияти, очик сахна ва цирк санъати эса кўнгил очиш, томоша маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Санъат турлари бир-бирини ўрнини боса олмаганидек, уларнинг ривожланишида «нотекислик» қонуниятига бўйсунини ҳам кузатиш мумкин. Турли тарихий даврларда турли халқлар ҳаётида ўз даврининг бадиий образини белгилаб берадиган санъатнинг у ёки бу тури етакчи аҳамият касб этади. Қадимги Мисрда барча санъат турлари ривожланган бўлиб, улар орасида меъморчилик, Ҳиндистонда мусиқа, Хитойда ранг-тасвир, Эрон ва Туронда халқ амалий санъати, Юнонистон ва Римда ҳайкалтарошлик раванқ топган эди.

Санъат турлари тизимида бадиий адабиёт муҳим ўрин тутиб, у бошқа турлар ривожига ҳам таъсир ўтказади. Бадиий адабиёт театр ва кино санъатининг илк асосини ташкил этади. Унинг мусиқа ва тасвирий санъатга ҳам таъсири сезилиб туради.

Санъат турлари ўзаро таъсир ўтказишининг энг олий шакли – бу *қоришма (синтез)* санъат турлари бўлиб, улар хилма-хил, рангоранг кўринишларга эга.

Синтез кўринишлари театр, кино, очик сахна, цирк ва ойнаи жаҳон каби санъат турларида яққол кўзга ташланади. Санъатда

қоришма (синтез)га интилиш ҳозирги давр бадий маданиятида санъат қоришма турларининг алоҳида аҳамият касб этишида, бадий ижод турлари ўзаро таъсирининг кучайишида, бир санъат тури тасвирий-ифодавий воситаларидан бошқа санъат тури тобора кенг фойдаланаётганлигида ва ниҳоят, санъаткор воқеликни кенг камровли мушоҳада қилишида намоён бўлаётир.

Санъат турларида қўлланадиган ижод техникаси ёки санъат техникаси ҳам жиддий аҳамиятга эгадир. Санъат техникаси санъаткор ижод дастурида танланган санъат турининг тасвирий-ифодавий воситаларини пухта ўзлаштирганида намоён бўлади.

Санъат турлари юксак ифодалилик қонунига бўйсундилар. Санъаткор хилма-хил моддий воситалардан ўз бадий режасини энг катта куч ва тўлақонли ифодалаш имконини берадиганларини танлаб олади.

Санъат ҳозир фазоли, вақтли, фазоли–вақтли кўринишларига бўлиб ўрганиш таомилга кирган. *Фазоли* кўринишга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм, амалий санъат ва меъморчилик, *вақтли* кўринишга бадий адабиёт, мусиқа, *фазоли-вақтли* кўринишга эса театр, кино, ойнаи жаҳон киради.

Санъат турларини бундай кўринишлари бўлиш асосини биринчидан, бадий асар услуби ва шакли, иккинчидан у ёки бу санъат туридаги воқелик ҳодисаларининг фазоли ёки вақтли тавсифларини кўпроқ акс эттириш қобилияти ташкил этади. Мазкур икки асос ўртасида алоқадорлик ва боғлиқлик мавжуд.

Санъат ҳодисаларнинг аниқ-туйғули қиёфасини акс эттириши ёки акс эттирмаслигига қараб тасвирли ва тасвирли бўлмаган кўринишларига ҳам эгадир. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ҳаёт манзаралари воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратиш орқали намоён бўлса, адабиёт ва мусиқада ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйғулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади.

Санъат турлари идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади, улар кўз билан кўриладиган асарлар бўлиб, *томошали санъат турлари* деб аталади (ҳайкалтарошлик, меъморчилик). Театр санъати эса ҳам томошали ва ҳам эшитиладиган санъат туридир.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил соҳаси бўлиши билан бирга инсон фаолиятининг бадий бўлмаган соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Санъат турлари хусусий-бадий бурч-вазифалар билан бирга, фойдали-амалий бурч-вазифаларни ҳам бажарадилар.

Ҳозирги давр бадий маданиятида санъат ва бошқа соҳалар ўртасидаги чегаралар тобора емирилиб бормоқда. Улар ўртасида

самарали ҳамкорлик жараёнлари шаклланмоқда. Айниқса, бу ҳамкорлик санъат ва фан-техника алоқаларида яққол кўринади.

Адабиётлар:

1. Умаров Э., Пал Ч., Эстетика. Тошкент, 1990 й.
2. Амаров Э., Эстетика Тошкент, 1995 й.
3. Иброхимов А., Султонов Х., Жўраев Н., «Ватан туйғуси», Тошкент, 1996 й.
4. Мухаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти.